

**ИСТАМБУЛ ҲАРАКАТЛАР РЕЖАСИГА АЪЗО МАМЛАКАТЛАР  
ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИДА КОРРУПЦИЯВИЙ ҚИЛМИШЛАР УЧУН  
ШАХСНИНГ АМАЛДА ПУШАЙМОН БЎЛГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ  
БИЛАН ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ҚИЛИШ АСОСЛАРИ**

**Абдурахмонов Бахтиёржон Илхомович,**  
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Мажбурий  
ижро бюроси Қибрай тумани бўлими бошлиғи ўринбосари  
E.mail: [mr\\_bakhty@inbox.ru](mailto:mr_bakhty@inbox.ru)

**АННОТАЦИЯ:** Мақолада айрим ҳуқуқшунос олимлар томонидан “амалда пушаймон бўлиш” тушунчасининг талқини, шунингдек, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг коррупцияга қарши курашиш тармоғи Истанбул ҳаракатлар режасига аъзо мамлакатлар жиноят қонунчилигида шахсни амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш асослари кўриб чиқилган. Бундан ташқари, мамлакатимиз жиноят қонунчилигида коррупциявий жиноятларга нисбатан амалда пушаймон бўлганлик муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш билан боғлиқ айрим масалалар муҳокама қилинган.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** амалда пушаймон бўлиш, жавобгарликдан озод қилиш, порахўрлик жинояти, пора сўраб товламачилик қилиш, халқаро стандартлар, мониторинг тавсиялари.

**GROUNDS FOR EXEMPTION FROM LIABILITY DUE TO  
EFFECTIVE REPENTANCE FOR CORRUPTION OFFENSES IN THE  
CRIMINAL LEGISLATION OF COUNTRIES PARTICIPATING IN THE  
ISTANBUL ACTION PLAN**

**Abdurakhmonov Bakhtiyor,**  
Deputy Head of the Kibray District Department of the Bureau of Compulsory  
Enforcement under the Prosecutor General's Office of the Republic of Uzbekistan  
E.mail: [mr\\_bakhty@inbox.ru](mailto:mr_bakhty@inbox.ru)

**ANNOTATION:** The article examines the interpretation of the concept of "effective repentance" by some legal scholars, as well as the grounds for exempting individuals from liability due to effective repentance in the criminal legislation of countries participating in the Istanbul Action Plan of the Anti-Corruption Network of the Organization for Economic Cooperation and Development. Additionally, it discusses certain issues related to exemption from liability in connection with effective repentance for corruption crimes in the criminal legislation of our country.

**KEY WORDS:** effective repentance, exemption from liability, the crime of bribery, extortion by demanding bribes, international standards, monitoring recommendations.

Жиноят қонунчилигида назарда тутилган жавобгарликдан озод қилишнинг шаклларида бири айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилишдир.

Амалда пушаймон бўлганлик муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш асослари МДХга аъзо давлатларнинг намунавий Жиноят кодексига (74-модда), шунингдек, бир қатор, жумладан, Россия Федерацияси (75-модда), Арманистон (72-модда), Озарбайжон (72, 72.1, 72.2-моддалар), Украина (45-модда), Грузия (68-модда), Беларус (88-модда), Қозоғистон (65-модда), Молдова (57-модда), Тожикистон (72-модда) каби мамлакатлар Жиноят Кодексига кўрсатиб ўтилган бўлиб, ушбу ҳужжатларнинг деярли барчасида амалда пушаймон бўлганлик муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш унча оғир бўлмаган жиноятларга нисбатан ва бундай жиноятларни биринчи марта содир этган шахсга нисбатан қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66-моддасига мувофиқ, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган шахс, агар у айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган ва келтирилган зарарни бартараф қилган бўлса, жавобгарликдан озод қилиниши мумкин. Ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида алоҳида кўрсатилган ҳолларда, жиноят содир этган шахс ўз қилмишига амалда пушаймон бўлган тақдирда жавобгарликдан озод қилиниши лозим эканлиги белгиланган.

Жиноят ҳукукида “амалда пушаймон бўлиш” тушунчасига яқдил таъриф берилмаган бўлиб, бир қатор олимлар томонидан “амалда пушаймон бўлиш” тушунчаси турли хил ёндашув ва тамойиллар асосида талқин қилинган.

Бу борада ўзбек ҳуқуқшунос олимларидан М.Х.Рустамбоев фикрига кўра – “Амалда пушаймон бўлиш деганда, айбини ўз бўйинига олиш тўғрисида арз қилган, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга жиноятнинг очилишида ва уни содир этган шахсларни топишда ёрдам берган ва етказилган зарарни қоплаган шахснинг фаол хатти-ҳаракати тушунилади.

Амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилишнинг асоси сифатида жиноят содир этгандан кейин ўзининг хулқи билан амалда пушаймонлигини тасдиқлаган ва шу билан ўзининг ижтимоий хавфлилигини йўқотган шахсни жинойий жавобгарликка тортишнинг мақсадсизлиги илгари сурилади” – деб таъкидлаган. [1]

Бизнинг фикримизча ҳам, амалда пушаймон бўлиш жиноят содир этган шахснинг фаол, онгли ва ихтиёрий хулқ-атвори бўлиб, у содир этилган қилмишнинг олдини олиш, унинг салбий оқибатларини бартараф этиш, жиноятни фош этишга ёрдам беришга қаратилган аниқ ҳаракатларда намоён бўлади.

МДХ давлатлари олимларидан Д.В.Савельев “амалда пушаймон бўлиш” тушунчаси хусусида қуйидаги фикрларни илгари суриб, унга кўра, “амалда пушаймон бўлиш деганда, шахснинг содир этган қилмишининг ҳақиқий зарарли оқибатларини олдини олиш, бартараф этиш ёки камайтиришга қаратилган ихтиёрий ҳаракатларини тушуниш лозим” – деб таъкидлаган. [2]

С.Н.Шатиловичнинг фикрига кўра, “амалда пушаймон бўлиш бу содир этилган жиноятга чин дилдан пушаймон бўлган айбдор шахснинг ихтиёрий, ижобий хатти-ҳаракати бўлиб, ҳуқуқ-тартибот органларига ўзи ва у билан боғлиқ бошқа ижтимоий қилмишларни, шу жумладан, шерикларининг қилмишларини аниқлаш ва фош этишда ёрдам беришга қаратилган, шунингдек, ижтимоий хавфли оқибатларнинг олдини олиш, бартараф этиш ёки камайтиришга қаратилган хатти-ҳаракатдир” – деб таъриф берган. [3]

А.М.Крепышевнинг фикрича, “амалда пушаймон бўлиш бу давлат томонидан рағбатлантириладиган жавобгарликни енгиллаштириш ёки ундан озод қилиш, айбдорнинг жиноят содир этганидан кейин содир этилган қилмишнинг зарарли оқибатларини камайтириш ёки тўлиқ бартараф этишга

қаратилган, шунингдек, содир этилган жиноятни очишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ёрдам беришга қаратилган ихтиёрий ижобий хатти-ҳаракатдир”. [4]

Юқоридаги фикрлардан “амалда пушаймон бўлиш” тушунчасига берилган таърифларнинг замири қилмишнинг олдини олиш, бартараф этиш ёки зарарли оқибатларини камайтиришга, жиноятни очишга ёрдам беришга қаратилган ихтиёрий хатти-ҳаракатларни ўз ичига олади деган хулоса қилиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси 2010 йилдан буён Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг коррупцияга қарши курашиш тармоғининг Истанбул ҳаракатлар режасида иштирок этиб келмоқда.

Истанбул ҳаракатлар режаси 2003 йилда тасдиқланиб, тўққизта иштирокчи (Арманистон, Озарбайжон, Грузия, Тожикистон, Украина, Қирғизистон, Қозоғистон, Ўзбекистон ва Мўғулистон) давлатларни қамраб олган ва бу аъзо давлатлар ўртасида БМТнинг коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги Конвенцияси, бошқа халқаро стандартлар ва илғор амалиётларни тадбиқ этишга доир тавсияларни амалга ошириш юзасидан ўзаро баҳолаш ва мониторинг дастурини ўз ичига олади.

Истамбул ҳаракатлар режасига аъзо айрим мамлакатлар жиноят қонунчилигида коррупциявий қилмишлар жумладан, актив порахўрлик ва мавқени суиистеъмол қилишда иштирок этган шахсларни жавобгарликдан озод қилишнинг махсус қоидалари мавжуд. Жавобгарликдан озод қилишнинг асосларидан бири пора талаб қилиш ёки пора сўраб товламачилик қилиш вазияти билан боғлиқ. Шу билан бирга, жавобгарликдан озод қилишнинг яна бир асоси шахс ўз ихтиёри билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига хабар бериб, пора берганлик фактини ошкор қилган пайтда юзага келади.

Қуйида Истамбул ҳаракатлар режасига аъзо мамлакатлар жиноят қонунчилигида коррупциявий қилмишлар учун амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш асосларини муҳокама қиламиз:

**Арманистон** Жиноят кодексига 2014 йилда амалда пушаймон бўлганлик муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш ҳолати юзасидан ўзгартириш киритилиб, унга кўра, амалда пушаймон бўлганлик муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш фақат актив порахўрлик ҳолатларида тадбиқ этилиши кўзда тутилган. Шунингдек, ушбу ҳужжатда ҳар қандай ҳолатда ҳам порахўрлик товламачилик шартлари билан боғлиқ бўлиши кераклиги ҳамда пора

берувчи ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига жиноят содир бўлганлиги маълум бўлмасдан олдин ва жиноят содир этилган кундан бошлаб уч кундан кечиктирмасдан хабар бериши шарт эканлиги белгиланган. [5. 321 б.]

**Озарбайжонда** амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш ҳолати давлат ва хусусий сектордаги актив порахўрлик учун кўзда тутилган. Бу пора берувчи ҳуқуқбузарлик ҳақида у очилишидан олдин ёки жиноят очилганлиги тўғрисида у хабардор бўлишидан олдин хабар берган ҳолатларда қўлланилиши мумкин. Истамбул ҳаракатлар режаси мониторинги ҳисоботида Озарбайжонга бу қоидани хорижий мансабдор шахсинг порахўрлигига нисбатан қўлланилишини бекор қилиш тавсия этилган. [5. 321 б.]

**Грузияда** хусусий ва давлат секторида актив порахўрлик, шунингдек, тамағирлик мақсадида маъқеини суиистеъмол қилиш ҳолатларида, агар шахс ҳуқуқбузарлик тўғрисида ушбу ҳуқуқбузарлик ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига маълум бўлишидан олдин ихтиёрий равишда хабар берган тақдирда у жавобгарликдан озод бўлади. Яна бир талаб шундан иборатки, пора берувчи томонидан маълум қилинган фактлар порахўрлик айбловини асослаш (*prima facie*) учун етарли бўлиши лозим. [5. 321 б.]

Грузия Жиноят кодексига амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод бўлиш ҳақидаги қоидаларга 2011 йилда ўзгартириш киритилиб, шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги қарор прокуратура органлари томонидан қабул қилиниши тўғрисида қоида қўшилган.

**Қозоғистонда**, Жиноят кодексининг 65-моддасига кўра, жиноий ножўя хатти-ҳаракатни содир этган ёки биринчи марта жиноят содир этган шахс, ўз айбини бўйнига олиш учун ўз ихтиёри билан келса, жиноятни очишга ва тергов қилишга кўмаклашса, шунингдек, жиноят туфайли етказилган зарарни бартараф этса жавобгарликдан озод қилиниши мумкинлиги белгиланган.

Шу билан бирга, Қозоғистонда, айрим бошқа мамлакатларда бўлгани каби, амалда пушаймонлик туфайли жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги модда (Жиноят кодексининг 65-моддаси)дан ташқари, шахсга нисбатан пора сўраб товламачилик қилинган бўлса, ёки ушбу шахс пора бериш тўғрисида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ёки махсус давлат органига ўз ихтиёри билан хабар берган бўлса, у жиноий жавобгарликдан озод қилиниши тўғрисидаги қоида (Жиноят кодексининг 367-моддасига 2-изоҳ) ҳам амал қилади. [6]

Юқоридагилардан шуни англаш мумкинки, Қозоғистон жиноят қонунчилигида пора бериш жинояти учун жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги икки қоида мавжуд. Шу билан бирга, Жиноят кодексининг 65-моддаси қамрови анча кенг бўлиб, жавобгарликдан озод қилиш асослари шартларини ўз ичига олади.

Мониторингнинг Қозоғистонга оид 4-раунд ҳисоботида экспертлар томонидан коррупцион ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликдан озод қилишнинг юқоридаги икки шакли таҳлил қилинган бўлиб, мониторинг гуруҳи томонидан Жиноят кодексининг 65-моддасини коррупция билан боғлиқ жиноятларга татбиқ этишнинг зарурати йўқлиги, Жиноят кодексининг 367-моддасига 2-изоҳни сақлаб қолиш мумкинлиги ва уни халқаро стандартлар талабига мувофиқлаштириш кераклиги тўғрисида фикр билдирилган. [5. 322 б.]

**Қирғизистонда** пора берувчи шахсга нисбатан агар мансабдор шахс томонидан пора сўраб товламачилик қилинган бўлса ёки ушбу шахс жиноят ишини кўзғатиш ваколатига эга бўлган органга ўз ихтиёри билан хабар берган бўлса жавобгарликдан озод этилади. (Қирғизистон Республикаси Жиноят кодексининг 328-моддаси) [7]

Қирғизистон Республикаси Олий судининг резолюциясида пора бериш тўғрисидаги хабар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга пора берилганлиги маълум бўлган бўлса, ихтиёрий деб ҳисобланиши мумкин эмас деган муҳим қоида бор.

Мониторингнинг Қирғизистонга оид ҳисоботида Жиноят кодексининг юқорида келтирилган модда диспозициясида фақат пора беришдан олдин хабар келиб тушганда амалда пушаймон бўлганлик муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш қоидаси қўлланилиши ёки қўлланилмаслиги аниқ баён этилмаганлиги таъкидланган.

Қирғизистон Республикасининг Жиноят кодекси, Истамбул ҳаракатлар режасига аъзо бир нечта мамлакатларникидан фарқли ўлароқ, амалда пушаймон бўлганлик муносабати билан жазодан озод қилишнинг умумий асосларини ўз ичига олмайди. [5. 323 б.]

**Украинада** 2014 йилда Жиноят кодексига ўзгартириш киритилиб, ундан коррупциявий ҳуқуқбузарликларга нисбатан амалда пушаймон бўлиш тўғрисидаги умумий ҳимоя қўлланилиши чиқариб ташланди. [5. 323 б.]

Шунингдек, 2015 йилда актив порахўрлик (ҳам давлат, ҳам хусусий секторда) ва мавқени суиистеъмол қилиш ҳолатларида ҳимоя қилишнинг махсус қоидалари қайта кўриб чиқилиб, унга кўра, ноқонуний фойдани таклиф қилган, ваъда қилган ёки тақдим қилган шахс, агар бу шахс 1) жиноят содир этилганидан кейин, бироқ тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ушбу жиноят тўғрисида бошқа манбалардан маълумот олгунга қадар жиноят тўғрисида ихтиёрий хабар қилган бўлса, шунингдек, 2) ноқонуний фойда олган ёки унинг таклифи ёки ваъдасини қабул қилган шахс томонидан содир этилган жиноятни фош этишга фаол ёрдам берган бўлса жавобгарликдан озод қилиниши назарда тутилган. 2015 йилдаги бу тузатишлар орқали ушбу қоидадан чет эл мансабдор шахсларининг порахўрлигига нисбатан қўллаш чекланди.

**Ўзбекистон** жиноят қонунчилигида юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Жиноят кодексининг 66-моддасига мувофиқ, жиноят содир этган шахс ўз қилмишига амалда пушаймон бўлган тақдирда жавобгарликдан озод қилиниши белгиланган. [8]

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66-моддасида айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилишнинг шартлари келтирилган бўлиб, булар қуйидагилардан иборат:

- шахс ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этганлиги;
- ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилганлиги ва қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги;
- жиноятни очилишига фаол ёрдам берганлиги ва жиноят оқибатида етказилган зарарни бартараф қилганлиги.

Ушбу келтирилган ҳолатларнинг барчаси бир вақтда мавжуд бўлган тақдирда, жиноят содир этган шахсни ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиниши учун етарли бўлади.

Юқорида келтирилган ҳолатларнинг бирортаси бўлмаган тақдирда, ушбу норма қўлланилмай, шахсга нисбатан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар (Жиноят кодекси 55-моддаси), енгилроқ жазо тайинлаш ёки ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганида (Жиноят кодекси 57-моддаси) жазо тайинлаш нормалари қўлланилиши мумкин.

# “CONFERENCE OF NATURAL AND APPLIED SCIENCES IN SCIENTIFIC INNOVATIVE RESEARCH”

Volume 11. November 2024

Бундан ташқари, Жиноят кодекси Махсус қисмининг айрим моддаларида рағбатлантирувчи қисмлар берилган бўлиб, муайян шартлар асосида шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш мумкинлиги назарда тутилган. Булар жумласига Жиноят кодексининг 122, 123, 155, 155<sup>2</sup>, 155<sup>3</sup>, 157, 160, 178, 180, 181, 181<sup>1</sup>, 184, 185<sup>2</sup>, 188, 189, 190, 192<sup>2</sup>, 211, 212, 213, 223, 244<sup>2</sup>, 248-моддалари қиради.

## Истамбул ҳаракатлар режасига аъзо мамлакатларда амалда пушаймон бўлганлик учун жавобгарликдан озод қилишнинг қоидалари

| Давлат      | Қилмишга амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш (Жиноят кодекси умумий қисми) | Актив порахўрлик ҳолатида жавобгарликдан озод қилишнинг махсус асоси / қўллаш шартлари                                                                                                                |
|-------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
|             | Жиноят кодексига назарда тутилган                                                                            | Коррупция вий жиноятлар учун қўлланилмайди                                                                                                                                                            |
| Арманiston  | ●<br>Унча оғир бўлмаган ва ўрта оғирликдаги жиноятлар                                                        | ○<br>Товламачилик ҳолатида ва агар шахс ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига маълум бўлишдан олдин, лекин уч кундан кечиктирмай хабар берса ва жиноятни очишда ёрдам берса                              |
| Озарбайжон  | ●<br>Унча оғир бўлмаган жиноятлар                                                                            | ○<br>Товламачилик ҳолатида ёки шахс пора бериш тўғрисида тегишли давлат органига ихтиёрий равишда хабар берса                                                                                         |
| Грузия      | ●<br>Унча оғир бўлмаган жиноятлар                                                                            | ○<br>Агар шахс бу ҳақда жиноят ишини юритувчи органга ихтиёрий равишда хабар берса. Шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги қарор жиноят ишини юритувчи органлар томонидан қабул қилинади |
| Қозоғистон  | ●                                                                                                            | ○<br>Товламачилик ҳолатида ёки агар шахс пора бериш тўғрисида ҳуқуқни муҳофаза қилиш ёки махсус давлат органига ихтиёрий равишда хабар берган бўлса                                                   |
| Қирғизiston | ○                                                                                                            | ○<br>Товламачилик ҳолатида ёки агар шахс пора бериш тўғрисида жиноий иш очишга ваколатли органига ихтиёрий равишда хабардор қилган тақдирда                                                           |
| Тожикистон  | ●<br>Унча оғир бўлмаган ва ўрта оғирликдаги жиноятлар                                                        | ○<br>Товламачилик содир этилган ҳолатда ёки агар шахс жиноят ишини қўзғатиш ваколатига эга органига ихтиёрий равишда хабардор қилган бўлса                                                            |



# “CONFERENCE OF NATURAL AND APPLIED SCIENCES IN SCIENTIFIC INNOVATIVE RESEARCH”

Volume 11. November 2024

|               |                                                                                  |   |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                              |
|---------------|----------------------------------------------------------------------------------|---|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| Украина       | ●<br>Унча оғир бўлмаган жиноятлар (коррупцион жиноий ҳукубузарликлардан ташқари) | ● | Ноконуний фойдани таклиф қилган, ваъда қилган ёки такдим қилган шахс, агар бу шахс 1) жиноят содир этилганидан кейин, бироқ тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ушбу жиноят тўғрисида бошқа манбалардан маълумот олгунга қадар жиноят тўғрисида ихтиёрий хабар қилган бўлса, шунингдек, 2) ноқонуний фойда олган ёки унинг таклифи ёки ваъдасини қабул қилган шахс томонидан содир этилган жиноятни фош этишга фаол ёрдам берган бўлса |
| Ўзбекистон    | ●<br>Ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят                 | ○ | Шахсга нисбатан пора сўраб товламачилик қилинган бўлса ва ушбу шахс жиноий ҳаракатлар содир этилганидан кейин бу ҳақда ўттиз сутка мобайнида ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса                                                                                                                                                                                               |
| ● ХА<br>○ ЙЎҚ |                                                                                  |   |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                              |

### Манба: ИХР мониторинг ҳисоботлари [5. 324 б.]

Коррупциявий жиноятлар учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг бир нечта (192-9, 211, 212, 213) моддаларида шахсга нисбатан пора сўраб товламачилик қилинган бўлса ва ушбу шахс жиноий ҳаракатлар содир этилганидан кейин бу ҳақда ўттиз сутка мобайнида ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, у жавобгарликдан озод этилиши назарда тутилган.

Мониторинг ҳисоботида Ўзбекистон жиноят қонунчилигидаги жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги тегишли қоидалар халқаро стандартлар нуқтаи назаридан муаммоли ҳисобланиши, хусусан:

1) Жиноят кодексига бошқа мамлакатлар жиноят қонунчилигида кўрсатилгани қаби пора бериш тўғрисидаги хабар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга бошқа манбалардан маълум бўлишидан олдинроқ берилиши кераклиги ҳақида қоида кўрсатиб ўтилмаганлиги;

2) Жиноий ҳаракатлар содир этилганлиги тўғрисида хабар бериш учун белгиланган ўттиз суткалик муддат амалдаги Жиноят кодексига асосланмаган бўлиб, бу муддат жуда узоқ ва амалда уни қайси пайтдан бошлаб ҳисоблашни аниқлаш қийин бўлиши мумкин. Ариза бериш учун бундай узоқ муддатнинг

мавжудлиги пора берувчи томонидан масала уни фойдасига ижобий ҳал бўлмаган ҳолдагина пора бериш тўғрисида ариза берилишига олиб келиши мумкинлиги, бу ҳолатда пора сўраб товламачилик қилинганлиги тўғрисида пора берилган пайтда ёки пора беришдан кейин биринчи имконият бўлиши билан, бироқ, бу ҳолат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга маълум бўлмасдан олдин хабар бериш қоидаларини жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлиши;

3) “Чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам бериш” элементлари Жиноят кодексига ҳам, Олий суднинг Пленум қарорида ҳам аниқ баён этилмаган ва шу сабабли амалиётда ихтиёрий қўлланилиши мумкинлиги;

4) Жавобгарликдан озод қилишнинг бу каби шакли чет эл мансабдор шахсларига нисбатан порахўрлик ҳолатларига нисбатан қўлланилиши мумкинлиги ИХТТнинг порахўрлик масалалари бўйича Ишчи гуруҳи стандартлари талабига зид ҳисобланиши қайд этилган. [9. 253 б.]

Бундан ташқари, Жиноят кодекси Махсус қисмининг моддаларида назарда тутилган жавобгарликдан озод қилиш асосларини қўллашдан ташқари, коррупцияга оид жиноятларга нисбатан Жиноят кодексининг 66-моддасидаги амалда пушаймон бўлиш тўғрисидаги умумий қоида ҳам қўлланилиши мумкин эканлиги, Жиноят кодексининг 66-моддасида келтирилган амалда пушаймон бўлиш тўғрисидаги умумий қоидалар ҳам юқорида қайд этилган сабабларга кўра белгиланган стандартларга мос келмаслиги эътироф этилиб, Мониторинг гуруҳи томонидан коррупция билан боғлиқ жиноятлар учун амалда пушаймон бўлганлик муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги қоидаларни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш бўйича янги тавсия (37-тавсия) берилган.

Коррупция билан боғлиқ жиноятлар учун амалда пушаймон бўлганлик муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги қоидаларни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш бўйича берилган ушбу тавсияни бажарилиши борасида бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига тегишли ўзгартиришлар киритилмади.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, коррупция билан боғлиқ жиноятлар учун амалда пушаймон бўлганлик муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги қоидаларни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, шунингдек, халқаро аксилкоррупция стандартлари ва хорижий давлатларнинг бу борадаги тажрибасини ўрганган ҳолда миллий жиноят қонунчилигимизга амалда

пушаймон бўлганлик муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги умумий қоидаларни коррупция билан боғлиқ жиноятлар учун татбиқ этмаслик тўғрисида, пора бериш тўғрисидаги хабар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга бошқа манбалардан маълум бўлишидан олдин берилиши кераклиги тўғрисида ҳамда жавобгарликдан озод қилишнинг бу каби шаклини чет эл мансабдор шахсларига нисбатан порахўрлик ҳолатларига нисбатан қўлланилиши истисно қилувчи нормаларни жорий этиш тавсия этилади.

### **Иқтибослар/References**

1. М.Ҳ.Рустамбоев. “Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси” 2-Том (Умумий қисм). Тошкент. “Илм Зиё” нашриёт уйи. 2011. 161 бет.
2. Д.В.Савельев. “Основания и условия освобождения от уголовной ответственности и наказания” : учебное пособие для для вузов / 2-е изд., переработанное и дополненное - Москва : Издательство Юрайт, 2022. 33 б.
3. С.Н.Шатилович. “Деятельное раскаяние и наказуемость преступлений” : Дисс... канд. юрид. наук. – Н. Новгород, 2002. 8-9 б.
4. А.М.Крепышев. “Деятельное раскаяние как основание освобождения от уголовной ответственности” : автореф. дис. ... канд. юрид. наук. Н. Новгород, 2000. 26 б.
5. “Антикоррупционные реформы в Восточной Европе и Центральной Азии - Прогресс и вызовы, 2016-2019.” (Электрон манба) // URL: <https://www.oecd.org/corruption/anti-bribery/OECD-Anti-Corruption-Reforms-Eastern-Europe-Central-Asia-2016-2019-RUS.pdf> .
6. Қозоғистон Республикасининг Жиноят кодекси. (Электрон манба) // URL: [https://base.spinform.ru/show\\_red.fwx?rid=20282](https://base.spinform.ru/show_red.fwx?rid=20282)
7. Қирғизистон Республикасининг Жиноят кодекси. (Электрон манба) // URL: [https://base.spinform.ru/show\\_doc.fwx?rgn=136047](https://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=136047)
8. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. (Электрон манба) // URL: <https://www.lex.uz/acts/111453>
9. ИХТТ Коррупцияга қарши курашиш тармоғининг Истамбул ҳаракатлар режаси Мониторингининг Ўзбекистон бўйича 4-раунд ҳисоботи. (Электрон манба) // URL: [https://www.oecd.org/corruption/acn/OECD-ACN-Uzbekistan-4th-Round\\_Monitoring-Report-2019-RUS.pdf](https://www.oecd.org/corruption/acn/OECD-ACN-Uzbekistan-4th-Round_Monitoring-Report-2019-RUS.pdf).